


3-25-2020

MEANS OF EMOTIONAL EXPRESSION IN LANGUAGE

Iroda Kaharova Senior teacher, PhD

Tashkent Architecture Civil Engineering Institute Uzbek and foreign languages department

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Kaharova, Iroda Senior teacher, PhD (2020) "MEANS OF EMOTIONAL EXPRESSION IN LANGUAGE," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 20.

DOI: 10. 36078/987654422

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Ирода Кахарова

Тошкент архитектура қурилиш институти Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси қатта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

ТИЛДА ЭМОЦИЯ ИФОДАЛАШ ВОСИТАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ҳис-ҳаяжон гапларда инсонга хос лисоний, мантикий, руҳий фаолиятлар бир-бирига боғланиб, ягона нуткий тафаккур жараёнини ўзига хос шаклда намоён этадики, бундан тилнинг нафақат онгни ҳаракатлантирувчи, балки руҳиятга ҳам таъсир кўрсатувчи воситалардан бири эканлиги яна бир бор аёнлашади. Шу маънода, тилшуносликда ҳис-ҳаяжон гаплар алоҳида, ўзига хос лисоний, нуткий тузилмалардан бири сифатида қабул қилинади. Ҳис-ҳаяжон гаплар лисоний, интонацион ҳамда грамматик воситалар орқали ҳис-ҳаяжон аффектларни узатиш, етказишга қаратилган лисоний ва нуткий тузилма, махсус синтактик қурилмалардан бири сифатида идрок этиш, билиш, тушуниш, таҳлил қилиш каби фаолиятларга оид тушунча ва категориялар билан кенгайтиб боради. Уларда инсоннинг тафаккур фаолияти, ҳис қилиш ёки ҳис-туйғуларини ифода этиш фаолияти намоён бўлади.

Калит сўзлар: эмоция, ундов сўз, интенсив, экспрессив, ҳис-ҳаяжон гап, эмоционал ундов, ҳис-ҳаяжон ундовлари.

Iroda Kaharova

Tashkent Architecture Civil Engineering Institute
Uzbek and foreign languages department, Senior teacher, PhD

MEANS OF EMOTIONAL EXPRESSION IN LANGUAGE

ANNOTATION

In emotional speech, human-specific linguistic, logical, and spiritual activities are interconnected, reflecting a unique process of verbal thinking in a unique way, which once again demonstrates that language is one of the means of moving not only the mind but also the psyche. In this sense, in linguistics, emotional speech is perceived as one of the distinct, distinctive linguistic speech structures. Emotional speech expands with concepts and categories related to activities such as perception, cognition, comprehension, analysis as a linguistic and speech structure, one of the special syntactic devices, aimed at conveying emotional affect through linguistic, intonational and grammatical means. They manifest the activity of a person's thinking, feeling, or expression of feelings.

Key words: emotion, exclamation, intensive, expressive, emotional sentence, emotional exclamation

Инсон онги ёрдамида ўйлайди, сезги органлари воситасида ташқи оламни ҳис қилади, лекин у ўзини ўраб турган моддий борлиқни, ўз ички дунёсини фақат тил воситасидагина ўзлаштириш хусусиятига эгаки, шунинг учун кишиларнинг ўз ҳис-туйғуларини, кечинмаларини тил воситасида ифодалаши бугунги янгилик эмас. Модомики, эмоциялар (ҳис-туйғулар) бу жараёнда тил беагани олади.

Онгнинг умумлашган вазифаси билан ўзаро боғланадиган тилнинг эмотив жиҳатини тушуниб олиш жуда зарур. Бунинг учун эмотив маъно тушунчасининг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида қай ҳолатда кўриб чиқилганини аниқлаш, сўз, тушунча, фикр ва эмоциянинг ўзаро муносабатини ёритиш, сўзнинг эмотив семантикаси ва ўзаро муносабат тушунчаси мавжудлиги ҳақидаги фаразни асослаш, нутқнинг эмоционаллиги назариясини ишлаб чиқиш [Леонтьев А.А., 1980; 117-119]. Вазифаларини бажаришга тўғри келади. Зеро, тилда эмотив маънонинг мавжудлиги тилшунослар томонидан ҳар доим ҳам тан олинмаган.

Тил амалий онг ҳосиласи ҳисобланади, шунинг учун у “борлиқни ҳар томонлама у ёки бу шаклда ўз ичига олмаслиги мумкин эмас” [Резников Л.Д., 1958; 124]. Онг тушунчалар билан акс эттириладиган ва уларга мос келадиган эмоциялар билан ўзаро алоқада бўладиган рационал ва эмоционал вазиятларни ўз ичига олади. Эмоционал маъно қанчалар мустақил кўринмасин, тушунча ёрдамида у ёки бу эмоционал таассуротлар билан ассоциацияланади. Шу сабабли эмотив маънонинг тушунча билан бирор-бир алоқасини инкор этиб бўлмайди. Албатта, эмотив маъно фақат соф интеллект маҳсули эканлиги ва у нафақат тилда, балки хатти-ҳаракатлар механизмида ҳам шаклланганини тан олмақ керак. Шунингдек, унинг сўз маъно-мазмунига боғлиқлигини инкор этиш ҳам тилнинг бутун эмотив семантикасини психиканинг стихия доирасига ўгириш демакдир.

Тушунчанинг бир тури сингари тушунчага эга бўлмаган эмотив маъно ҳам мавжуд. Аммо эмотив ижтимоий тушунча изоҳига эга бўлиб, маълум бир вазиятга асосланган бўлса, у ҳолда унинг эмотив маъноси тушунча шарҳига эга бўлиши мумкин.

Тасавурлар сўздаги белгилари сингари инсон психикасида эмоцияларни чақиради. Бунда биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг таъсири намоён бўлади: сўзни қабул қилишда биз тимсолни “бошдан кечирамиз” ва шунинг учун номланаётган объектни қандайдир маънода ҳис этамиз. Мазкур жараёни сўз билан таъсир этиш [Китерман Б., 1909; 170] деб номласа бўлади. Ушбу ҳолатда танланган сўзнинг маъноси суҳбатдошда бир вақтнинг ўзида ана шу сўз билан номланган нарса-предмет ҳақидаги тасавурни ва у билан боғлиқ маълум бир эмоцияларни чақиради.

Шундай қилиб, эмоциялар предметдан у ҳақидаги тушунчага, предмет тўғрисидаги тушунчадан эса сўз ва унинг маъносига кўчиши мумкин. Бунда тасавур ва эмоциялар орасидаги алоқа торлиги, “у ҳолда субъектив алоқа бизнинг фикрлашимизда объектив категорияга айланади” деган хулоса келиб чиқади [Китерман Б., 1909; 169].

Сўз, нарса-предмет ҳақидаги тасавурнинг объектив эмоционал бўёгини ўз

маъноси ичига олиб, бизнинг онгимизда предмет ва у ҳақидаги тасаввур сингари ўзига таъсир кўрсатмайди. Бу ҳолат тушунча ва тасаввурлар сўз семантикаси, жумладан, эмотивда ҳам акс эттирилганлиги билан изоҳланади.

Семантик компонентларнинг сўз маъносини, унинг семантик конфигурациясини шакллантирадиган, яъни белгиларнинг бир хусусияти (предмет) бошқасига (тушунча) ва учинчи сифатига (семантик) ўтиши ҳамда уларга мос келадиган маъно белгилари билан (бевосита ёки билвосита) таъсир этиши аслида мантиқий маънонинг таъсири ҳисобланади.

Ҳар бир тилда эмоцияларнинг тилдаги ифодаси сифатида эмотив маъно мавжуд, бироқ улар, одатда, бир хил эмас. Унинг турларидан бири эмотив маъно ҳисобланади. Бу ҳолатда сўз таркибида эмотивлик мустақил маънога эга ва доимийдир. Аммо эмотив маъно қанчалар мустақил бўлмасин, у ҳар доим камида маълум бир тасаввурлар билан ўзаро боғланади, сўнгилари эса шаклланган ва ижтимоий қийматга эга бўлгандан сўнг ҳам тушунчалардан мустақил бўла олмайди.

Умумлаштириб айтганда, фикрлашнинг эмоционал аспекти ва эмоционал бўёқ (индуктив ва прагматик) тушунчаларни эътироф этиш сўзда интеллектуал ва эмоционал ҳолатларни қарама-қарши қўйишнинг қонунга тўғри келмаслиги; семантиканинг барча эмотив компонентларини тушунарсиз деб билишнинг ноўринлиги; тилдаги барча эмоция тушунчаларини тилшуносликдан четга чиқаришнинг хатолиги каби далилларга асосланади. Бу эса тил бирликлари семантикаси структураси ва эмоцияларнинг мазкур структурадаги ва умуман тил тизимидаги ўрнини махсус кўриб чиқишни тақозо қилади.

Маълумотларга қараганда, тилда эмоция ифодалаш категориялари хусусида илк маълумотлар Аристотель, Платон, Кант ва Спиноза каби файласуфларнинг назарияларида келтирилган [Abbasəliyeva R., 2018; 26].

Эмоционал жараёнда инсон ҳам мавзу, ҳам туйғу объекти ҳисобланади. Эмоция инсон фаолияти сабабларининг талаблари билан чамбарчас боғлиқ [Изард К.Э., 2008, 18].

Демак, эмоция инсоннинг туйғу объекти ҳисобланади, яъни инсон ҳис-туйғуларини тил орқали ифодалайди. Шунингдек, инсон онги ёрдамида ўйлайди, фикрлайди, сезги органлари орқали ташқи оламни англайди, ҳис қилади, ўзини ўраб турган моддий борлиқни, ички дунёсини лисон ёрдамида шакллантиради, ўзлаштиради ва ривожлантиради.

Хиссиёт инсон фаолиятининг сабабларидан келиб чиқади ва инсон эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқдир. У инсонда содир бўладиган рухий ҳодисалар, вазият ва ҳолатларга таъсир кўрсатади. Чунки эмоция инсонда бевосита унинг воқеаларга, субъект ва объектларга яхши ёки ёмон, катта ёки кичик, муҳим ёки аҳамиятсиз, қувонарли ёки ғамли, ахлоқий жиҳатдан қарши, баҳолаши, шу туйғулар асосида муносабатда бўлиши таъсирида юзага чиқади [Abbasəliyeva R., 2018; 26]

Эмоция инсон тажрибасининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, у инсон ҳаёти давомида қаҳр, қувонч, шодлик, бахт, хурсандчилик, қайғу, кўрқув,

нафрат, ғазаб, ишонч, мамнуният, кулги каби турли-туман ҳолатларга эга бўлади.

Эмоционал ҳолат инсоннинг ички ва ташқи дунёси билан бевосита боғлиқдир. Инсон атрофга ташқи ҳам ички қиёфаси билан таъсир кўрсатади. Шу сабабли инсонда эмоциялар ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Эмоция, одатда, умумий характерга эга бўлиб, тананинг физиологик ҳолати ҳам унга таъсир қилади.

В.И. Шаховский эмоционал муносабатга шундай таъриф келтиради: “Инсон фаол субъектдир. Унинг тили эса акс эттириш воситасидир. Бутун дунёдаги эмоция атроф-муҳитга бўлган муносабат тилида маъно ва семантик ифодани намоён қилади. Эмоция инсон омилининг тилидаги етакчи компонентидир” [Шаховский В.И., 1995; 239]

Ж.Вандриес сўзнинг маъно қурилишидаги ўзига хосликларнинг воқеланиши заминлари хусусида тўхталар экан, сўз бизнинг онгимизга ҳеч қачон ёлғиз ҳолда қирмайди. Ҳатто фақат бир сўз бир маъноси билан бизнинг онгимизда иштирок этганда ҳам, бу сўз нозик иплар билан боғланган, аммо сояда қолаётган бошқа жуда кўплаб тушунча ва эмоциялар ҳар дақиқада онгимизга бостириб киришга тайёр ҳолда туради. Онгимиз орқали ўтадиган сўзлар бизнинг ақлий ва ҳиссий ҳаётимиз билан узвий боғлиқ бўлади” [Вандриес Ж., 1937; 176], – деб ёзади.

Демак, эмоция борлиқни англаш, ҳис қилиш ва баҳолашнинг шакллари билан биридир. Шу билан бирга, у ҳис-туйғу, инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ҳамда кайфиятига ҳам алоқадордир.

А.Н. Савченко таъкидлаганидек, «Маълум бир эмоционал муносабатларнинг ижтимоий гуруҳ ва ижтимоий халқ тажрибасига асосланган маълум бир тушунчалар билан уйғунлашуви тил ёрдамида амалга ошади ва мустақамланади. Бу вазиятда онгнинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳис-туйғулар ҳам тил шаклининг бевосита ажралмас қисми бўлиб қолади» [Савченко А.Н., 1972; 30].

Таъкидлаш лозимки, эмоционалликни ифодалашда нейтрал тил бирликларидан кўплаб фойдаланиш юқорида келтирилган эмоционал ҳолатларни сўзнинг у ёки бу вазифасида қўлланиш оқибати деган фикрни тасдиқлайди.

Инсон ҳис-туйғуларини тил орқали ифода этар экан, бунда онг билан ўзаро вазифадор боғланадиган тилнинг эмотив жиҳатини тушуниш лозим. Бунинг учун унга вазифага эътиборни қаратиш зарур бўлади.

1. Эмотив маъно тушунчасини тилшуносликда қай ҳолатда (қайси томонлама) кўриб чиқилишини аниқлаш.

2. Сўз, тушунча, фикрлаш ва эмоциянинг ўзаро муносабатини очиш.

3. Сўзнинг эмотив маъносида ўзаро муносабат тушунчаси мавжудлиги ҳақидаги фарзани асослаб бериш ва нутқнинг эмоционал томон (назариясига ўтиш) лингвистик назариясини ишлаб чиқишга ўтиш [Леонтьев А.А., 1970; 117-119].

Тилда эмотив маънонинг мавжудлиги тилшунослар томонидан ҳар доим ҳам тан олинмаган. Эмоцияни ифодалашда сўзнинг вазифаси муҳим, маъноси эмас, деган фикр мавжуд бўлган ва бу вазифа муомала шароитида ва контекстда

акс этади [Henie P., 1958, 39], деб қаралган.

Эмотив маъно денотатив, экспрессив маъно билан боғланади. У тилда турли даражада акс этади.

Эмоциялар сингари эмотив маъно ҳам кўплаб хусусиятларга эга. Бироқ сўзнинг эмотив маъноси фақатгина сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини ифодаламайди. У индивидуал бўлмаган “ижтимоий эмоция”нинг умумлашган ифодасини акс эттиради.

Стандарт эмотив вазиятларда умумий тил эгалари деярли бир хил эмоцияларни ҳис этадилар ва ифодалайдилар. Ҳар қандай индивид ижтимоий (умумлашган) тажрибадан ташқарида эмоция хилини ўзгартиради.

Эмотив маъно мантикий-предмет маъносидан алоҳида сўзнинг лексик маъноси таркибида ривожланиши мумкин. Масалан, катталарга “Э, бола” деб мурожаат қилиш, шакл жиҳатдан эркалаш, таркиб жиҳатдан эса камситиш маъносини ифодалайди.

Эмотив маъно, шубҳасиз, коммуникативдир. Эмотив лексика сўзловчилар томонидан онгли тарзда мавжуд код доирасида танлаб олинади, яъни унинг йиғилиши мулоқот вазиятидан келиб чиқиб, сўзловчи онгида назорат қилинади.

Эмотивларнинг коммуникативлиги – семантиканинг эмотив типидаги тил бирликлари сўзловчининг ички ҳаяжони ҳақида хабар бериши, қандайдир эмоционал (бир вақтда фактуал ёки ундан мустақил) маълумотни етказиши, эмоционал жавоб реакцияси, масалан, ҳар иккала томонлама мулоқотда нафратланиш, жирканиш, ҳазар қилиш ва ҳисларни англаш билан ифодаланadi.

Эмотив маъно мантикий предмет маънога нисбатан тезда ўзлаштирилади, тушунилади, англонади. Психоллингвистик экспериментларнинг [Шаховский В.И., 1982; 94-108]. кўрсатишича, инсон сўзнинг мантикий-предмет маъносини англаунга қадар унинг эмоционал маъносини англайди (нимадир яхши, нимадир ёмон: ҳақорат, ғазаб, эркалаш ва ҳ.к.).

Сўз, тушунча ва фикрлаш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай тилнинг луғавий таркибида эмотив лексиканинг мавжудлиги, шунингдек, эмоционал мақсадларда қўлланиладиган луғавий ноэмотивларнинг потенциал қобилияти бу лексиканинг эмоционал фикрлаш билан боғлиқлигини кўрсатади.

Эмоционал фикрлаш психологлар томонидан азалдан объектив мавжуд феномен деб тан олинган [Тихоморов О.К., 1984; 272]. Бунда эмотив – сўз, сўз эса ўз навбатида, онгнинг элементидир.

Ж.Лайонз тушунчалар ва эмоцияларни фикрлаш фаолиятининг қарама-қарши кутбларига ажратган ҳолда бир-бирига қатъий зид кўяди [Лайонз Ж., 1978; 544]. Бироқ эмоционал ҳолат (қаҳр, қувонч, қайғу, кўркув ва ҳ.к.), ҳақиқатдан ҳам, тушунча бўла олмайди, аммо унинг тилдаги ифодаси тушуниб етилган, кодификация қилинган ҳисобланади, яъни онгнинг юқори даражасига кўтарилганга қадар, масалан, кўркув тушунчаси ва кўркув эмоцияси бир сўзда ифодаланadi [Фомина З.Е., 2006; 336].

Эмоциялар семантикаси муаммоси бу дунё объекти (O) ва субъекти (S)

муносабатлари муаммосидир. Эмоциялар бу параметрлар муносабати бўлган жойдагина мавжуддир. Эмоция – бу субъектни дунё объектлари ва уларнинг хусусиятларини ўзгача гурухлашга мажбурлайдиган стимулга нисбатан реакциядир. Бу объектлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги тушунчалар S ва O нинг ўзаро таъсири натижасида яратилади [Лекторский В.А.,1980; 358]. O нинг S га таъсири ва объектнинг субъектда фаол акс этиши S да маълум бир психологик ўзгаришлар, яъни эмоционал реакцияларни чақиради. Бошқача айтганда, инсон томонидан SRO муносабатларининг англаниши ҳис-ҳаяжонлар билан бирга амалга ошиши мумкин.

Реал дунё объектлари ҳақидаги тушунчаларнинг тилда акс этиши –англаш, ифодалаш ва нутқда қўллаш жараёнига асосланади. Модомики, эмоциясиз ҳақиқат инсон учун хос эмас. Баъзи бир тушунчалар предметларга субъектив баҳо бериш асосида юзага келади. Бу муносабатлар ижтимоий мустаҳкамланган компонентлар кўринишида, яъни рационал ёки эмоционал баҳолаш орқали ифодаланади.

Баҳолаш тушунчаси умумий тан олинган категория ҳисобланади: модал мантиқ тушунчанинг мазмуний таркибига модалликни, баҳо эса модал компонентини киритади. Баҳолаш тушунчасини ифодалайдиган сўзларга инжик, разил, ярамас, аблаҳ одам ёки ғаройиб, ажойиб, кутилмаган совға сингарилар мисол бўла олади. Аммо баҳолаш муносабати эмоционал бўлиши ҳам мумкин, бунда, сигнификация жараёнида эмоциялар сезиларли ролни бажаришлари лозим бўлади.

Инсон онги тушунчасини шакллантиришнинг охирги босқичида рационал ва эмоционал баҳолаш ҳолатида гўёки тушунчаларнинг асосий (мантикий) таркиби бўлган эмоциялар кўрсаткичини қавс ичида ажратади. Аммо бу эмоциялар кўрсаткичи тил эгалари онгида виртуал тарзда мавжуд бўлади ва нутқ муомаласининг маълум бир босқичида намоён бўлади.

Ижтимоий эмоцияларнинг ўзига хос тил бирликлари билан ифодаланиши уларнинг маъносига таъсир кўрсатиш эҳтимоли мавжуд. Бошқа томондан, нафақат у ёки бу предмет ҳақидаги тушунчалар уларга мос келадиган сўзлар таркибини беради, аксинча, алоҳида семантик компонентлар уларнинг таркибини бойитадиган, у ёки бу белгиларни ушбу сўзларга мос келадиган тушунчаларда намоён этиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат сўзловчининг эмоционал таассуротлари ва тасаввурлари ҳисобига тушунчанинг “расмий” таркибида юзага келадиган эмоционал баҳо экспрессив аломатларда кузатилади.

Эмотивлар сўзловчининг ҳиссиётини ифодаловчи сўзлар бўлиб, бизнинг назаримизда ҳам, ўзаро мунтазам боғланган вазиятда бўлишга “интилишади”. Биз эмоционал бўёк муносабатлари ҳақида фақат қуйидаги маънода гапиришимиз мумкин: баъзи бир тушунчалар мазмуни семантика – уларнинг ташувчилари орқали уларга мос келадиган сўзлар билан ижтимоий мустаҳкамланган ва уларни нутқда қўллашда репродуктив адекват эмоционал таъсирланишни чақиради мумкин. Эмотив ва ноэмотив вазиятларда тушунча уларни нутқ муомаласида адекват қабул қилиш ва қўллаш учун код калити ҳисобланади.

Бу фикрни А.Н. Савченко тўлиқ ва қисқа тарзда ифодалаган: "... Маълум бир эмоционал муносабатларни ижтимоий гуруҳ ва ижтимоий халқ тажрибасига асосланган муайян тушунчалар билан уйғунлашуви тил ёрдамида амалга ошади ва мустаҳкамланади, бу вазиятда онгнинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳистуйғулар фикрлаш тил шаклининг ажралмас қисми бўлиб қолади" [Савченко А.Н., 1972; 30].

Эмотив маъно-мазмунни ҳақидаги сўроқ бу мазмуннинг тушунча билан қандай мос тушиши ҳақидаги савол билан бевосита боғлиқ. Бу муаммо қатор хорижий олимлар ишларда батафсил муҳокама қилинмоқда, аммо муаллифлар ҳалигача ишончли бир қарорга келишмаяпти.

Ч.Огден, А.Ричардс ва бошқа тадқиқотчилар бевосита эмоционал ҳолатларни ифодалайдиган ундов сўзлар, ҳақоратли лексика, инвективлар (цензура талабларига мос келмайдиган) сўзларни вазиятлар тушунарсиз эканлигидан келиб чиқиб, тушунарсиз деб ҳисоблашади.

Эмотив лексикасидаги ундов ҳақидаги баҳс-мунозаралар узоқ тарихга эга бўлиб, антик даврга бориб тақалади. Бунда юзага келган муаммоларнинг моҳияти учта асосий: ундов сўзларнинг тил табиати, семантик маркировкаланганлиги, коммуникатив реливантлигига олиб келиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, бу муаммо билан боғлиқ рус ва хориж тилшунослигида тўғридан-тўғри қарама-қарши фикрлар мавжуд [Дыбовский А.С., 1983; 73].

Фикрлашда рационал ёки эмоционал онтологик бирлик ҳақидаги тезис (ўзининг лингвистик ифодасини диологик бирлик маънонинг денотатив ва эмотатив аспекти таъсири остида топадиган) эмотив валентлик феноменини тадқиқ қилишда асос ҳисобланади.

Эмотив семалар (эмосемалар)нинг денотатив семалар билан турли муносабатларга киришиши белгиланган [Шаховский В.И., 1982; 82-89]. Шунга ўхшаш, масалан, нутқ контекстларида денотатив семалар сўзнинг семантик валентлигини кенгайтирадиган сўздаги эмосемаларнинг ортиши ҳисобига ундаги маънонинг кенгайиши ва ўз навбатида, унинг семантик мослашуви чегарасига олиб келадиган бошқа ўзгартирилган нисбатга эга бўлиши мумкин, чунки унда қўшимча, янги эмотив валентлик пайдо бўлади.

Муайян сўзнинг яширин имконият (потенция)да бошқа сўзлар билан боғланишида аҳамиятли бўлган эмотив валентликка эга бўлиш мумкинлиги тахмин қилинади. М.Д. Степанова ва Г.Хельбиг сўзнинг сема таркиби ва валентлик ўртасидаги узвий боғлиқликни таъкидлашади [Степанова М.Д., 1978; 259].

Эмотив валентлик деганда, ушбу лингвистик бирликнинг аниқ ва яширин эмосемалар асосида бошқа бирликлар билан эмотив алоқаларга киришиши ва шу билан бирга, ўзининг эмотив функциясини амалга ошириши тушунилади. Эмотив валентлик ғояси нутқ занжирида тил бирликлари эмоционал-экспрессив ва экспрессив-стилистик мослашуви ҳақидаги қонуният тезисининг давомли ривожланиши ҳисобланади.[Гак В.Г., 1968].

Эмотив валентликка таъриф беришда лингвистик бирликлар маънолари,

компонентлари, ташкил этувчилари орасида эмосемаларнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Тил бирлиги маъносида, ҳатто яширин бўлса ҳам, эмосеманинг мавжудлиги кифоя, шунинг учун бу бирлик эмотив валентлик, деб характерланади. Бу валентлик – ҳар қандай “кутилмаган”, оригинал ва ҳатто “ақл бовар қилмайдиган” лексемаларнинг бирикуви асосида нутқда пайдо бўладиган сўзлар.

Эмотив-баҳо-экспрессив номинациянинг шу ва шунга ўхшаш ҳолатлари сўзловчининг ҳаяжонли мақсади билан изоҳланиши ва эмосемалар уларни бевосита ташкил этувчилар маъносида қўлланилиши мумкин.

Умуман, агар инсоннинг эмоционал-баҳо муносабати борлиқни ўраб турган ҳамма нарсага нисбатан бўлса, у ҳолда, нарса-предметларни номлайдиган сўз мазмунида мураккаб ўтиш системаси орқали эмосемаларга трансформацияланиш мумкинлиги келиб чиқади. Лингвистик тадқиқотларнинг кўрсатишича, маъно катъий ва аниқ чегараларга эга эмас [Шаховский В.И., 1982; 23-24], сўзнинг системаси шаклини ўзгартириши ва кўплаб, жумладан, эмоционал контекст ва вазиятларни ўз ичига олиши мумкин [Азнаурова Э.С. 1973].

Эмотив валентлик муҳотида тил бирликлари бирикмаларида қўшимча таъсир кўрсатадиган семантик ҳодиса кенг тарқалган ҳисобланади.

Фикрлаш тушунча шаклида акс этиб, сўзга суянишни талаб этади. Бундан кўришиб турибдики, сўзлар бу тушунча ташувчи, эмотив маъноли сўзлар ҳам шулар жумласидандир. Эмоцияларни ифодалаш тасвирланаётган объектни қандайдир тарзда акс эттириш, унга эмоционал муносабатни билдириш (ҳар қандай анланган эмоция аввало муносабатдир, яъни баҳо, эмоция эса фақат баҳолаш мотивида юзага келади). Муносабат (шу жумладан эмоционал ҳам) эмотив маънолар шарҳланадиган маълум бир концептуал асосга эга.

Инсон ва унинг руҳий кечинмалари тил учун объектив борлиқнинг қисми, ўз навбатида, тил орқали ифодаланадиган объект ҳисобланади. Бошқа томондан, эмоциялар дунёнинг тил сурати (ёки модели)нинг шаклланишида фаол иштирок этади. Бунда инсон фаол акс эттириш субъекти, унинг тили акс этиш воситаси, инсон туйғулари эса – инсоннинг дунёга баҳо бериш муносабатининг шакли, яъни унинг семантик изоҳининг шакли сифатида кўриб чиқилади. Шу нуқтаи назардан, инсон эмоциялари тилдаги аксиологик омилнинг асосий компоненти ҳисобланади.

Тил таркибининг предмет дунёси ҳақида гапирганда, сўзсиз, “бу ерда интроспекцияни (эмоциялар, руҳий ҳолатлар ва ҳ.к.) келтириш мумкин, зеро бу вазиятда ўрганилаётган борлиқ муносабатида объект ҳисобланади” [Brown R.W., 1958; 101]. Бундан келиб чиқадики, инсон эмоциялари тил мазмунига эга бўлган предмет дунёнинг ўзига хос бир қисми ҳисобланади. Агар фикрлашнинг эмоционал аспектлари, тушунчанинг фикрлаш бирлиги, сўзда тушунчалар мавжудлигининг шакли сифатидаги тезислардан келиб чиқадиган бўлсак (сўз умумлаштиради, номлайди ва ифодалайди), у ҳолда эмотив бўёққа, баъзи бир маъно-мазмунга эга бўлган категорияларнинг мавжудлик имконияти борлиги ҳақидаги хулосанинг ҳаққонийлиги аниқланади.

Эмоционал импликациялар ҳақида фикр юритилганда, ижтимоий

тажриба асосида умумлаштирилган ва мустаҳкамланган типик эмоционал ассоциациялар ва реакциялар ёки субъектларнинг типик эмоциялар ҳолатига асосланган ва уларни дунё объектларини эмоционал-баҳолашда субъект-объект муносабатларини эмоционал мазмуннинг бир қисми сифатида тушунилади. Тушунчалар мазмундаги ушбу сема сўз маъносининг эмотив хусусиятини белгилайди.

Эмотивлик деганда, туйғуларни аташ, номлаш, ифодалаш хусусиятига қараганда уларнинг маъно хусусиятига сабаб бўладиган эмоцияларнинг сўздаги ифодаси тушунилади.

Сўз маъносининг эмотив компоненти деганда, шу тилда сўзлайдиганларнинг эмоционал муносабатларини адекват ифодалаш учун мўлжалланган, унинг махсус структур қисмларга ажралиши тушунилади. Унинг семантикасидаги бундай компонентли сўз бирикмасини эмотив сўз ёки эмотив деб номлаймиз.

Шундай қилиб, сўзлаётган инсоннинг эмоционал реакциялари баъзи бир тушунчаларда ижтимоий мустаҳкамланади ва шу тушунчаларга мос келадиган сўзнинг маъносида акс этади.

Тушунча назарияни (назария, маълумки, ҳодисаларни акс эттиради) юзага келтирадиган муҳокамалар йиғиндиси сифатида изоҳланар, акс эттириш эса эмоциялар ёрдамида амалга оширилар, яъни эмоционал бўлар экан, у ҳолда тушунчалар ҳам уларга мос келадиган бирликлар орқали ифодаланиши ёки вакилларининг адекват эмоцияларини номлаши мумкин.

Сўзловчи ифода объектини жирканч ва нафратни қўзғатадиган, яъни жуда ёқимсиз, камситадиган кучли эмоцияларни пайдо қиладиган, унинг денотати ва аниқ бир ифоданинг [Носенко Э.Л., 1979]. вазият референти сингари ифода объектининг маълум бир хусусиятлари ҳисобига кучли салбий нафратланишни юзага келтиради ва сўзловчи, тингловчи, қабул қилувчининг бу ҳақдаги фикрини тинглаши ва унга қандайдир муносабат билдиришини хоҳлайди. Бу тарздаги экспликациянинг ушбу тушунча мазмунининг мантиқий белгилари орасида кузатиш мумкин бўлган белги ёки эмоционал импликацияларига боғлиқлигини аниқлаш қийин эмас.

Сўз маъносининг эмотив компонентлари мантиқий-предмет сингари асосга эга. Бу муносабатда сўз семантикасининг эмотив компонентини дунёни кўрсатиш ва сўздаги объектив дунёнинг эмоционал баҳолаш фрагменти ҳақидаги тушунчани специфик акс эттириш усули ва у орқали тил, яъни дунёнинг модел сурати сифатида кўриб чиқиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганлар сўз эмотив семантикасига мос келадиган бир қанча турларни ажратиб кўрсатади.

А. Маъномуносабати. У сўзнинг умумлашган функциясига мустаҳкамланган (ифода этиш, умумлаштириш ва ифодалаш – синхрон жараён бўлиб, инсоннинг борлиққа мантиқий ва эмоционал-баҳо муносабати сўз семантикасида бир вақтнинг ўзида ифодаланади). Ю.С. Степановнинг таъкидлашича, сўз маъноси тушунчага интилади, эмотив сўзлар эса, шубҳасиз, ҳар қандай тил луғавий таркибининг бир қисми ҳисобланади ва шунинг учун ҳам тушунчага интилади [Степанов Ю.С., 1981; 361].

Б. Денотатив муносабат. Сўзнинг эмотив маъноси ҳар қандай ҳолатда, гарчи ўзига хос бўлса-да, дунёни акс эттирдади. Инсон туйғулари дунёнинг бир қисми сифатида денотатнинг объектив ёки субъектив аломатлари билан изоҳланади. Эмотивларнинг денотатив муносабати тўғри ёки аралаш бўлиши мумкин, аммо у ҳамма сўзловчилар учун айнан.

В. Эмоционал муносабат. Бунда аниқ эмотив сўзнинг аниқ субъектни ифодалайдиган ижтимоий эмоция билан боғлиқлиги тушунилади.

Д. Сўз эмотив семантикасининг функционал-услубий муносабати ўзига хос ижтимоий онгли вазиятларда намоён бўлади. Инглиз тилидаги эмотивлар таҳлили уларнинг стилистик белгиланганлиги – ҳар доим у ёки бу услубга, кўллаш муҳитига беркитилганлигини кўрсатади.

Нутқ фаолияти жараёнида ҳис-ҳаяжонлар алоҳида роль ўйнайдиган инсон омили муҳим ҳисобланади. Бу далил асослидир, чунки сўз, фикр ва матннинг коммуникатив – маъно таркиблари сифатида улар семантикасининг эмотив компонентлари келиши мумкин.

Эмотивликни сўз семантикасининг компоненти сифатида таҳлил қилишда унинг кичик мазмуни – эмотив семалари – семаларнинг бошқа турлари сингари тил системаси семантикасида объектив мавжудлигидан келиб чиқамиз. Сема терминларидаги эмотив семантика изоҳи методик категория ҳисобланади. Ҳар иккала категория ҳам изланишимиз марказида туради. Улар сўз компонентларининг ҳар хил турдаги эмоцияларнинг лексик-семантик категориялари учун ва эмоцияларни ифодалайдиган, кўрсатадиган ва акс эттирадиган тил birlikларининг лексик кўринишларида асос ҳисобланади. Сема эмотивлари сўз маъносининг экспрессив ва баъзи бир мантикий-предмет баҳоловчи компонентлари асосида юзага келади, яъни диахроник маънода улар иккаламчи. Эмотив семаларнинг моҳияти қуйидагича: бу сўзловчининг туйғулари билан мос келадиган, сўз семантикасида “эмотивлик”, семантик аломат (“севги-муҳаббат”, “жирканиш”, “камситиш” ва ҳ.к.) рўйхати очиқ ва тилга олинган семантик аломат ҳар хил сўзларда турлича акс этган сема конкретизаторларининг йиғиндиси бўлган семантик макрокомпонентларнинг ўзига хос кўринишидир.

Тилшунослар томонидан номинация жараёнида қандай ҳақиқатни – объектив ёки субъектив – ифодалашнинг аҳамияти йўқ. Эмотив семалар сўз учун объектив бўлган субъектив (эмоционал) ҳақиқатни ифодалайди. Эмотив сема (эмосема) сўзнинг лексик маъноси таркибида ички сема парадигмасини ифодалаб, ҳар доим бошқа семаларга қарама-қарши қўйилади. Бошқа семалар сингари эмосемалар интеграл ва дифференциал бўлиши мумкин. Улар юқори (индивидуал лексик семантика учун умумий), кучсиз, фаол, виртуал, бевосита ёки тақсимланган бўлиши мумкин. Умуман, ҳар хил эмотивлар таркибига қирадиган эмотив элементларнинг таркибий қисми (интенвари) бунга мисол бўла олади [Колшанский Г.В., 1976; 117-126].

Эмотив маънога эга бўлган кўплаб birlikларнинг таҳлили, уларнинг нутқ муомаласида функцияланиши эмотивликнинг учта семантик мақомини юзага келтиради.

1. Мажбурий (денотатив) эмотивлик мақоми. Бу сўз эмотив маъносининг айнан ўзидир, бу унинг лексик маъносининг ягона компоненти ҳисобланади.

2. Сўзнинг ягона коннотациясини ҳосил қиладиган сўз маъноси ва эмотивлигининг мантиқий-предмет компонентларига нисбатан факультативлик мақоми.

3. Потенциал эмотивлик мақоми. У сўзнинг эмотивлик потенциалини ҳосил қилади.

Эмоцияларнинг ушбу категорияланишидан кўришиб турибдики, биринчи ҳолатда, яъни эмотивлик маълум бир дунё объектининг эмотив номланиши ҳисобланади. У сўзда эмотив маъно кўринишида акс этади. Эмотив семантика денотатив макрокомпоненти акс этган бўлиши мумкин ва сўз семантикасининг ягона таркибий қисмини ташкил этади. Бунда у диахрония нуқтаи назаридан ҳам бирламчидир. Бу кўринишдаги эмотив семантика маъно мақомига эга, у эффект сўз учун облигаторлик хусусиятига эга.

Маълумки, лексик маънонинг тур ва хили унинг таркибига кирадиган семалар тузилишининг ўзига хослиги билан белгиланади. Эмотив маънонинг ташкил этувчилари сифатида кўпинча эмотив маънолар келади.

Бу маъно шунга ўхшаш бирликлар учун мажбурийдир, чунки сўзловчи кучли туйғунинг ифодаси уларнинг ягона семиологик вазифаси ҳисобланади. Эмотивликнинг бу категорияси ундов сўзлар, ҳақорат сўзлари, вульгаризмлар, эмоционал баҳоловчи равишлар ва сифатлар турлари “аффективлар” деб белгиланадиган адресативлар билан безатилган бўлиши мумкин.

Аффективлардаги эмотив маъно сўзнинг асосий ва муҳим қисми ҳисобланади ва денотатив маънога тенглашиши мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда барча анъанавий семантика тадқиқотчилари томонидан ажратиб кўрсатилган сўзнинг лексик маъноси денотатив макрокомпоненти компонент таркибини категориялаш (гуруҳлаш)да мантиқий-предмет ва эмотив компонентларни ажратиш керак. Шундай қилиб, денотациянинг икки тури ҳақида гапириш имконияти мавжуд бўлади: мантиқий – предмет ва “асл” ҳолатда сўз семантикасида ажратишиб кўринадиган эмотив семалар.

Сўз эмотив семантикасининг бошқа мақоми сўз семантикаси мантиқий-предмет макрокомпонентлари ортида жойлашган эмотив семалар ёрдамида шаклланадиган коннотация ҳисобланади. Бу эмотив семалар улар билан акс эттириладиган маълум бир мантиқий-предмет ядро семалари билан боғланган бўлиши мумкин. Сўздаги бундай эмотивлик эмотив маъно мақомидаги эмотивликканисбатаниккиламчи ҳисобланади. Сўз маъносидаги эмотивлик ягона семантик компонент ҳисобланмай, балки мантиқий-предмет билан бир маънога эга бўлиб, коннотация мақомида амалга ошадиган коннотацион характерга эга. Биз коннотациялар термини билан изоҳлайдиган эмотив коннотацияга эга сўзлар сўзловчининг эмоционал муносабатини ифода объектининг мантиқий-предмет компонентда номланиши ва у орқали унга ўхшаш объектив ёки рўйхатга олинган сўзловчи томонидан эмоционал аломатлар билан ифодалаш учун хизмат қилади.

Коннотатив сўзлар, яъни коннотативлар, аффективлардан фарқли. Улар

лексик маънонинг икки таркибли структурасига эга: ифода объекти номини денотациянинг мантикий-предмет семантика компоненти орқали + унга коннотатив (эмотив) семантика компоненти орқали эмоционал муносабатда бўлишдир. Бундай сўзлар кўпинча нейтрал (бетараф) коррелятга эга бўлади.

Коннотация мақомида эмотивлик сўз маъносининг мантикий-предмет компоненти билан ифодаланади ва унга нисбатан факультатив ҳисобланади. Бундай вазиятларда эмотив компонент мантикий-предмет билан биргаликда иштирок этади, яъни у эмотив компонент ягона ифодаловчи бўлган унинг денотатив мақомидан фарқли равишда маъно ифодалайди ва у ерда облигатор вазифасида келади.

Бундан ташқари, эмотивлик яна бир семантик – ички ва ташқи кўринишлардаги потенциал мақомга эга. Биринчи ҳолатда ички эмотивлик (маҳсулотлар, дўконлар, кинотеатрларнинг) экспрессив рамзий номлар, (қабр, ўлим, она, қайин) ассоциатив сўзлар, алоҳида сўз-тимсоллар, шунингдек, илиқлик, адолат ва аксинча нафрат, ўч ва ҳ.к.га оид лексемаларда намоён бўлади. Ташқи эмотивлик нейтрал сўз маъносининг эмоционал вазиятга кўра ўзгаришида акс этади.

Бадий асарларнинг нутқ контекстларидаги маълум бир вазиятларда деярли ҳар қандай сўз эмотив коннотацияга қуйидаги ҳолатларда эга бўлиши мумкин а) эҳтимолий, яширин эмотив семалар, уларнинг семантик аломатлари фаоллашиши, б) сўз семантикасида потенциал кодланган ва яширинган сема конкретизаторлари, в) эмотив семаларни консоциациядан нейтрал сўз семантикасига кўчириш ҳисобига. Шунга асосланиб, эмотивликнинг яна бир мақоми – сўз ёки матннинг эмотив потенциали ажратиб кўрсатилади [Шаховский В.И., 1984; 97-104.].

Матн эмотив семаларни нейтрал семаларга йўналтириши мумкин. Сўз семантикасининг эмотив потенциали агар объект сўзловчи ва субъектни ифодаловчида маълум бир қизиқиш уйғотса, у ҳолда бу объект ҳақидаги тушунча таркибининг мавжуд бўлмаган аломатлари мавжудликка ва эмоционал мазмунга эга бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади. Шунга кўра потенциал ва эҳтимолий семалар бу тушунчага боғлиқ бўлган лексик маъноли юза қисмдан юқори қисмга ўтиши [Степанов Ю.С., 1975; 271]. ва ўз мақомини ўзгартириши, яъни нейтралликдан эмотив коннотацияловчига айланиши мумкин. Бунга маълум бир консоциацияларда эмотив коннотация бўла оладиган эмоцияларнинг номлари ҳам киради.

Эмотивлик ҳақидаги маълумотлар сўз лексик семантикаси модели муаммосини бошқача ечиш имконини беради. Ҳозирда у учта компонентдан шаклланиши мумкинлиги маълум: мантикий-предмет, эмотив ва функционал-стилистик.

Мантикий-предмет компонент денотатни ифодалайди, унинг вазифаси – аташ – тенлаштириш.

Эмотив компонент иккита тил мақомида намоён бўлади: ифодалаш ва тушуниш. Одатий эмоция ҳолатининг мустақил ифодаланиши ёки сўзловчининг

борлиққа муносабати (масалан, цензура талабларига жавоб бермайдиган сўзлар, шунингдек, тфу, эх, оху, вой-бўй, (хайратланарли даражада, даҳшатли, мудҳиш ва ҳ.к.) эмотив маъно функцияси ҳисобланади.

Эмотив-коннотатив компонент эса мантиқий-предметни эмоционал ҳолда ифодалайди, яъни объектга умумий ёки алоҳида эмотив маънони беради.

Функционал-стилистик компонент семантикаси аниқ бир нутқ муомаласининг вазиятига кўп даражада мос тушадиган сўзни танлаш ва ишлатишни тартибга солади. Бу вазият унга хос барча аломатлар билан (муомала муҳити, коммуникантларнинг ўзаро муносабати, уларнинг эмоционал вазиятлари, интенсиялари ва ҳ.к.) ушбу компонентнинг денотати ролида келади.

Функционал-стилистик компонент услубий контекст билан сўзнинг муомала вазиятида қўллашда мос тушишини тартибга солади, яъни бу компонент маълум бир объект номини (эмоционал ва нейтрал семантика билан бирга) унга мос келадиган типик нутқ вазиятига йўналтиради.

Санаб ўтилган учта сўз семантикаси компонентлари фарқини улар шаклланган манбаларда ҳам кўриш мумкин. Мантиқий-предмет компонент учун дунёнинг реал ва идеал ҳақиқатлари объектларини сўз маъносида ифодалашдир. Эмотив компонент инсоннинг қайғуриш (эмоционал баҳо далиллари) муҳитида, объектив ва субъектив дунёнинг денотат муҳитлари ва уларнинг алоҳида аломатларида ўз аксини топган. Предмет ҳақиқати ҳам, инсоннинг қайғуриш муҳити ҳам функционал-стилистик компонентнинг шаклланиш манбаи бўла олмайди. Ушбу компонент сўз семантикасига тилнинг ижтимоий ва реал функциялари ёрдамида киритилади. Буларнинг ҳаммаси сўзнинг функционал-стилистик маркерларида расман мустаҳкамланади.

Шундай қилиб, ҳар хил манбаларга тегишли бўлган семантик компонентлар сўзнинг семантикасида синхронияда уларнинг тил ташувчиси жойлашган бир тугунга гўёки “боғланади”. Фарқи уларнинг шаклланиш манбалари, уларга мос тушадиган алоқалар ва мақсадга йўналтирганликда ўз аксини топган. Бу манбалар объектив ҳақиқатнинг барча муҳити – предметлар дунёси, инсоннинг ҳис-ҳаяжонлари дунёси ва унинг тил дунёсини ўз ичига олади.

Юқорида номланган компонентларнинг турли комбинациялари сўзларнинг алоҳида хилларини, лексик маъно вариантларини шакллантиради. Шу тарзда сўз уч параметрдан келиб чиқиб, ифода предмети, ифодаловчи образ, унинг номланиш мақсади ва уни нутқда қўллаш вазиятини акс этириши мумкин. Агар бу семантика фақатгина мантиқий-предмет ва унга мос келадиган функционал-стилистик компонентлар билан ифодаланган бўлса, у ҳолда сўзнинг лексик маъноси ноэмотив бўлади. Сўз маъносида ҳар учала компонент акс этган бўлса, у ҳолда сўзнинг лексик-семантикаси эмотив-коннотатив, агарда фақатгина эмотив ва унга мос келадиган функционал-стилистик компонентлар бўлса, у ҳолда эмотив-эффектив кўринишда бўлади. Иккита охириги сўз турлари ҳақиқий эмотив ҳисобланади.

Ўз навбатида, ҳар хил турдаги эмотив лексиканинг лексик маъноли ички структураси ҳам бир хил эмас. У мантиқий-предмет, эмотив ва стилистик семалар

бир-бири билан киришадиган комбинациялардан келиб чиқади. Тилга олинган семалар комбинаторикаси фарқини нутқий-эмотив лексиканинг икки кўриниши: аффективлар ва коннотатлар мисолида кўрсатиш мумкин. Бу икки кўринишни учинчи – нутқий (потенциал) эмотивлик билан таққослаш эмотивлик фақатгина метафорага йўналмаганлиги, қолаверса, аффиксация ҳисобига метафорадан кенгроқ эканлигини кўрсатади.

Аффективлар (ҳақорат, ундов сўзлар ва ҳ.к.)да эмотив лексик маъно структураси иккита макрокомпонентлардан ташкил топади

1. Эмотив

2. Стилистик [Тихомиров О.К., 1984; 272].

Семантиканинг эмотив таркибий қисми бирламчи ҳисобланади. У бевосита нутқда ифодаланадиган ва унинг ўзига хос денотати ролида кела оладиган маълум ҳис-ҳаяжон билан боғланади. Боғланган эмотив аффективларнинг макрокомпоненти, шубҳасиз, денотатив ҳисобланади.

Денотатив ва услубий макрокомпонентлар сўз коннотацияси (эмотивлиги) нинг шаклланишида иштирок этади. Эмотивлик коннотатив мақомида эмотив маъно сингари макрокомпонент эмас, балки компонент ҳисобланади, чунки у маънонинг мантикий-предмет компонентида ифодаланган объектга мос келадиган эмоционал боғланишни бўртириб кўрсатади. Маъно ва экспрессив семалар моддий (предмет ва номинативлар) билан биргаликда коннотатлар лексик маъносининг денотатив макрокомпонентини ҳосил қилади. Коннотатларнинг лексик маъноларидан яна бири сўз лексиканинг маълум бир қатламига, унинг узус соҳасига тегишли бўлган, унга вақтинчалик баҳо берадиган облигатор стилистик макрокомпонент ҳисобланади.

Коннотатлар лексик маъносининг таркиби уч қисмдан иборат бўлиши мумкин: деннотатив – компонент+эмотив – компонент+стилистик макрокомпонент.

Шундай қилиб, аффективлар (ундов сўзлар, инвективлар, ҳақорат сўзлар, эмотив-баҳо сифатлари)нинг семантик структурасидан эмотив маъно компоненти билан ажралиб туради. Метафорик кўллашда ҳамма сўз туркумлари маъноси таркибига, шунингдек, эмотив – субъектив баҳоли аффикслар билан бирга дериватлар маъносига киради.

Эмотив бирлик ва аффиксациянинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, эмотивлик ва унинг функцияси моҳияти, гарчи у ҳар хил турдаги эмосемалардан ҳосил бўлган бўлса-да, ҳар иккала ҳолатда ҳам мос тушади. Сўз семантикасида сўзловчининг борлиққа типик эмоционал муносабатини ифодалаши, унинг функцияси – бу муносабатнинг ифодаланиши, унга мос келадиган вербал форма орқали адресатга етказилиши унинг моҳияти ҳисобланади. Тропензик ва аффиксал эмотивлар коннотация даражасидаги маъносини фарқлашда фақатгина бир мазмуний таркибга эга бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, аффективлар ва коннотатлар эмотив семантикасини ҳосил қиладиган бошқа тўпламлар ва ўзга семантик компонентлар сифати билан берилади. Шунга ўхшаш, масалан, аффективлар структурасида

баҳо ва экспрессив семалар эмоционал, коннотатларда – рационал; эмотивлик аффектлар таркибида макрокомпонент даражасида “ишлайди”, коннотативларда эса – компонент даражасида; аффективлар семантикасининг денотатив макрокомпонентлари эмоционал, коннотативларда эса рационал бўлади.

Коннотативларда эмотивлик бирга олиб борилади, аффективларда эса – мустақил.

Эмотив-субъектив маъно аффиксига эга бўлган дериватларда коннотация аффикслар семантикасида чекланган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сўз лексик маъносининг коннотацияси анъанавий тушунчаларга тўғри келмайдиган семантик оддий (софда) ҳисобланган эмотив семаларни ҳосил қилади. Мавжуд эмотив семаларнинг миқдори эса эмоцияларнинг ўзи сингари чексиздир [Шаховский В.И., 1983].

Эмотивлик семантик аломати семани ҳар хил эмотив семалар гуруҳига киритади, турли сема конкретизаторлари эса эмотив сема турини ўзгартиради.

Мулоҳазалар шуни кўрсатадики, эмоцияларнинг лексик-семантик категоризациялари муаммоси, яъни эмоцияларни сўзнинг семантик компонентлари ва у ёки бу тил сўзларининг семантик гуруҳлари бўйлаб тақсимланиши умумий тил модели назариясидан келиб чиқиб, умумий тилшуносликнинг долзарб муаммосини ўзида акс эттиради.

Экспрессивлик-эмоционаликни ифодалашнинг морфологик усули деганда, махсус сўз шакллари воситасида, шунингдек, маълум бир грамматик маъно ифодаловчи шаклни махсус қўллаш (кўчма маънода) тушунилади. –ча, –чок, –чак, –лок қўшимчалари махсус экспрессивлик ифодаловчи восита бўлиб, суйиш, эркалаш, ёктириш, шунингдек, менсимаслик, таққирлаш, кесатиш каби маъноларни ифодалайди.

Е.С. Кубрякованинг фикрича, ҳар қандай тил номинациясининг асоси тушунча ва ономазиологик категориялар ҳисобланади [Кубрякова Е.С., 1986; 159]. Аммо тил далиллари кўрсатадики, номинация жараёни кўпинча сўзнинг пайдо бўлишида, денотат ҳақидаги тушунчанинг лексик маъносида эквивалент бўлган, яъни шу сўз билан ифодаланган номинация тушунчалари даражасида тўхталмайди. Инглиз тили матнлардаги инсонларнинг нутқ ҳаракатлари таҳлили нафақат асл-тушунча, шунингдек, эмоционал ҳодисалар ҳам ўзининг тил маъносига эга бўлишини кўрсатади.

Бу маъно тилни эмотив, яъни инсон ҳаётида шубҳасиз муҳим роль ўйнайдиган руҳий ҳолатни акс эттира оладиган экспрессив-эмоционал – баҳолаш номинацияси ёрдамида амалга оширилади. Эмотивлик босқичида белгиларни атайдиган номинациялар нисбатан, уларнинг морфологик таркиби суффикслар билан кенгайганлигига қарамасдан, мураккаб семантик таркибга эга.

Айтиб ўтилганидек, эмотив сўзлар ўз семантикасида денотатлардан ташқари коннотатив компонентларга ҳам эга, шунинг учун умуман номинацияларнинг асосини ташкил этадиган экспрессив-эмоционал–баҳо номинациялари номинация тушунчаларидан фарқли равишда иккиламчи ва ўз навбатида, мураккаб ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, номинациянинг бу тури тилнинг лексик-семантик демантикасини таъминлайди. Қатор неологизм луғатлар таҳлили сўнги йилларда экспрессив-эмоционал-баҳо номинациясининг фаоллашганини кўрсатади.

Номинация тушунчаларидан фарқли ўлароқ, эмотив номинацияда экспрессив – баҳолаш механизми устунроқ бўлади, айнан нутқ объектини номлай туриб, эмотив номинация уни характерлайди, яъни сўзловчининг унга муносабатини ифодалайди. Нутқ объектини номлаш билан бирга номинациянинг бундай кўриниши нутқ эгасининг руҳий ҳолати, унинг нутқ адресатига муносабатини ифодалайди, бундан ташқари, лексик-семантик бирликка стилистик мақом – коллоквиаллик берилади. Бу маълумот эмотив воситаларни коммуникантлар томонидан онгли ва адекват фойдаланиши ҳақида бизга тўлақонли тушунча берадиган тилнинг семантик бирлиги ёки моделида эксплицит ёки имплицит тарзда жойлаштирилган [Скрёбнев Ю.М., 1976; 175].

Эмоциялар номинациялар талқинида таклиф этилган муносабат экспрессив-эмоционал-баҳолаш сингари психолингвистик асосга эга. Маълумки, психолингвистикада сўзнинг лексик маъноси деганда, тилда сўзловчилар томонидан шу сўз орқали адекват олинадиган маълумотларнинг умумий жамланмаси, жумладан, юқорида санаб ўтилган эмотив маълумот компонентлари тушунилади. Экспрессив-эмоционал-баҳолаш номинацияси натижасида вазифаси тил имкониятларини онгли тарзда кучайтириб тўхтатиш бўлган экспрессив белгилар юзага келади.

Таклиф этилган номинация тури сўз ясалиши ва сўзнинг қайта ясалиши сингари жараёнлар билан бирга кечади. Сўз ясовчи эмотив номинациялар турлари ва категориялари орасида аффиксация, конверсия, сўз кўшилиш юқори фаоллиги билан ажралиб туради. Ономасиологик белгини иккиламчи, эмоционал қайғуришни ифодалайдиган характерологик (яъни предикат) маънода қўлланилишини биз семантик дериват (сўзнинг қайта ясалиши) сифатида кўриб чиқамиз.

Материал таҳлили шуни кўрсатадики, экспрессив – эмоционал – баҳолаш номинацияси фақатгина унга хос бўлган деривацияларнинг оригинал категориялари ва турларига эга эмас. Ўзининг умумий массасида аффикслар ҳам, уларнинг моделлари ҳам бутун ва қисман маъно касб этади [Шаховский В.И., 2019; 206], яъни ҳам тушунча, ҳам экспрессив – эмоционал баҳолашда иштирок этади. Бунда биз тил бирликлари тежамкорлиги тамойилининг тилда акс этиш ҳолатини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида экспрессив-эмоционал-баҳолаш номинацияларининг фаоллиги тил уюшмаларининг прагматик сабаблари билан изоҳланади.

Эмотив номинациянинг сермахсул усулларидан яна бири баъзи бир номларнинг бошқа денотатларга ўтиши ҳисобланади. Жумладан, ҳайвонлар, ўсимликлар, тана аъзолари, кийим-кечаклар номларининг умумлашган сўзнинг иккинчи тушунча билан бир вақтда боғланиши ҳисобига фаол икки хил маъно юзага келади. Ҳар икки маъно ушбу тил бирлигининг семантик ядросида

сақланади, бу эса семантик деривация мавжудлигини изоҳлайди.

Сўз ясалиш эмотив номинациясидан фарқли равишда номинациянинг бу кўриниши сўзни қайта ясовчи ҳисобланади. Сўзни қайта ясовчи эмотив номинация денотат натижасида бетараф белгилар эмотив белгиланган семантик жумла ясаш вазиятида ҳам вазифага эга бўлади.

Эмотив номинатив белгиларнинг шаклланиши матн ёки нутқда, бир қарашда, кутилмаган лексемаларнинг уланиши ҳисобига содир бўлиши мумкин.

Эмоционал – экспрессив – баҳолаш номинациясининг семантик асоси кўриб ўтилган ҳамма ҳолатларда сўз маъносида қўшимча бўлиши мумкин бўлган денотатлар хусусиятини ифодалайдиган тил белгиларининг потенциал семалари ҳисобланади. Бу семалар нутқ объектини ҳар томонлама маълумот жўнатувчи томонга бурилиши жараёнида амалга ошади.

Юқоридагидан кўриниб турибдики, эмотив номинатив белгилар тушунарликка нисбатан семантик мураккаблаштирилган. Шунинг учун биз тушунча номинациясининг семантик потенциал белгиларини ва экспрессив – эмоционал – баҳолаш номинациясининг информатив (ахборот) потенциал белгиларини фарқлашни таклиф этамиз.

Белгилар семантикаси деганда, ушбу денотат ҳақидаги мазкур тушунчанинг белгилар йиғиндиси, белги ташийдиган хабар деганда эса у ҳақидаги маълумотлар (лингвистик ва экстралингвистик)нинг умумий йиғиндиси тушунилади. Эмотив белги ҳолатида бундай хабар коммуникантларнинг жамоа онгида мустаҳкамланган ифодаловчига характерли муносабати ҳисобланади.

Демак, лингвистик белгининг информатив (ахборот) таркиби унинг семантикасидан кенгроқ. Эмотивлик сўз лексик маъносининг компоненти сифатида хабар, яъни нутқ жўнатувчиси ҳақидаги денотатга оид экстралингвистик маълумотларнинг бир қисми саналади.

Ҳозирги инглиз ва Америка бадий адабиёти, шунингдек, неологизмлар луғатларидаги стилистик белгилардан кўриниб турибдики, шевага хос сўзлар, сленглар ва ёшлар жаргонлари эмотив дериватларни ўрганишнинг нисбатан фаол майдони ҳисобланади. Кўп ҳолатларда эмотив номинация мукамалликка интилиш, қандайдир нарса-предмет ёки ҳодисаларни янгича акс эттириш натажасида юзага келган. Бу интилиш баъзан тил ўйинига олиб келади, натижада тил воситалари ифодасининг кўтарилиши содир бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон нутқи нафақат тил, қолаверса, руҳий омиллар асосида ҳам қўлланилади. Экспрессив – эмоционал – баҳолаш номинацияси мисолида нутқ юзага келиш жараёнида психика ва ассоциатив мисоллар роли айниқса яққол кўринади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abbasəliyeva R. Dildə ekspressivlik və emosionallığın verbal və qeyri-verbal ifadə vasitələri. Bakı, CBS Polygraphic Production, 2018, 26 səhifə.
2. Aznaurova E.S. Ocherki po stilistike slova. – Tashkent, 1973
3. Vandries J. Yazik. – M., 1937. – S.176.
4. Brown Roger W. et all. Language, Thought and Culture: The University of Michigan Press, 1958. – P.101.
5. Gak V.G. Problemi leksiko-grammaticeskoy organizatsiya predlozheniya. Diss. ... dokt. filol. nauk.. – M., 1968;
6. Dibovskiy A.S. Universalniy svoystva mejdometiy i ix lingvisticheskoe opisaniye. – Vladivostok: Izdatelstvo DVGU, 1983. –S. 73.
7. Izard K.E. Psixologiya emosii. SPb: Piter, 2008, -S.18.
8. Kiterman B. Emosionalniy smisl slova // JMNP. Novaya versiya. Ch.19. – SPb, 1909, – S.170.
9. Kolshanskiy G.B. Nekotoriy voprosi semantiki yazika v gnoseologicheskom aspekte. Prinsipi i metodi semanticheskix issledovaniy. – M., 1976. – S.117-126
10. Kubryakova E.S. Nominativniy aspect rechevoy deyatel'nosti. Monografiya. – M.: «Nauka», 1986. –S. 159.
11. Henie P. Language, thought and culture. Ed. – USA: University of Michigan Press, 1958. P. 39.
12. Layonz J. Vvidenie v teoreticheskuyu lingvistiku. – M., Progress, 1978. –S. 544.
13. Lektorskiy V.A. Subyekt Obyekt. Poznaniy. – M., Izdatelstvo «Nauka», 1980. –S. 358.
14. Leontev A.A. Psixofiziologicheskiy mexanizmi rechi. Obshee yazikoznanie: Formi sushestvovaniya, funktsii, istoriya yazika – M., Nauka. 1970. –S. 117-119.
15. Nosenko E.L. Spesifika proyavleniya v rechi sostoyaniya emosionalnoy napryajennosti. Diss.dokt. filol.nauk. –M., 1979.
16. Reznikov L.D. Ponyatie i slova. – L., 1958. – S.124.
17. Shaxovskiy V.I. O lingvistike emosii // Yazik I emosii. Volgograd: Peremena, 1995, -S. 239.
18. Savchenko A.N. Yazik I sisteme znakov. – Voprosi yazikoznaniya. 1972. №6. – S.30.
19. Skrebnev Yu.M. Ocherk teorii stilistiki. Uchebnoe posobie. Gorkie.1976. –S. 175.
20. Stepanova M.D., Xelbig G., Chasti rechi I problema valentnosti v sovremennom nemeskom yazike. Uchebnoe posobie. M.: Visshaya shkola, 1978. -259 s.
21. Stepanov Yu.S. Imena, predikati, predlozheniya: Semiologicheskaya grammatika. M., Nauka, 1981. –S. 361.
22. Stepanov Yu.S. Osnovi obshego yazikoznaniya. – M., Prosveshenie, 1975. –S. 271.
23. Tixomirov O.K. Psixologiya mishleniya: Uchebnoe posobie. M.: 1984. — 272 s
24. Fomina Z.E. Nemeskaya emosionalnaya kartina mira I leksicheskie sredstva ee verbalizatsii. – Voronej, 2006. –S. 336.
25. Shaxovskiy V.I. Lingvisticheskiye intervyyu kak metod ustanovleniya emotivnoy adekvatnosti originala i perevoda. Sredstva virajeniya ekspressivnosti teksta.– Rostav-na-Donu, 1982. – S.94-108.
26. Shaxovskiy V.I. Znachenie I emotivnaya valentnost edinis yazika I rechi // Voprosi yazikoznaniya. – 1984. – № 6. – S. 97-104.
27. Shaxovskiy V.I. Kategorizatsiya emosiy v leksiko-semanticheskoe sisteme yazika. Izdanie stereotipnoe. –M.: Knizhniy dom «LIBROKOM», 2019. –206 s.
28. Shaxovskiy V.I. Emotivniy component znacheniya I metodi ego izucheniya. – Volgograd, 1983.